

330.115(043.3)

A-17

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:330.115+338.48(575.1)

АБИДОВА ДИЛФУЗА ИГАМБЕРДИЕВНА

**МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ
БОШҚАРУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ
("Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонаси мисолида)**

08.00.06 - Эконометрика ва статистика

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ –2012

330.115(043.3)

A17

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Алимов Қаҳрамон Алимович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдуғафаров Абдухалил

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Илхамова Ёдгора Саидахмедовна

Етакчи ташкилот: Ўзбектуризм Миллий компанияси


Диссертация ҳимояси 2012 йил «01» сентябр соат 9⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин

Автореферат 2012 йил «30» октябрь да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари номзоди, доцент



А.Н.Самадов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Кейинги ўн йилликда меҳмондўстлик соҳасида жуда катта ўзгаришларга эришилди ва бу соҳа жаҳондаги энг йирик ва юқори даромадли тармоқлардан бирига айланди. Бутунжаҳон туристик ташкилоти¹ маълумотларига кўра, соҳага умумий инвестицияларнинг етти фоизи, солиқ тушумларининг беш фоизи ва жами хизматларнинг учдан бир қисми тўғри келади. Меҳмонхона хўжалиги соҳаси салоҳиятини кенгайтириш, жаҳон бозори ва истеъмолчиларни туризм маҳсулотларига жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг зарур омилларидан бири ҳисобланади. Юртимизда фаолият юритаётган кўпгина меҳмонхоналар йирик хўжалик уюшмаларига бирлашиб, капитал ва ишлаб чиқариш марказлашувининг юқори даражаси бўлган ва хизмат кўрсатишнинг жаҳон андозаларига ўтмоқда.

Давлат статистика қўмитаси² маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, 2010 йил меҳмонхона хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 2009 йилга нисбатан 130,0% ўсган, яъни кўрсатилган хизматлар 2,4 баробар ошган. Шунингдек, мазкур соҳанинг ривожланиши ишсизликни маълум даражада бартараф этишга ёрдам беради. Яъни, Бутунжаҳон туристик ташкилоти³ маълумотларига қараганда, ҳар 30 нафар саёҳатчи битта ва undan ортиқ иш жойи яратади. Бу ҳақида юртбошимиз: «Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий оққада қолмоқдамиз. Энг муҳими, шунинг унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади»⁴ деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Президентимизнинг маърузаларидан келиб чиққан ҳолда, шунинг айтиб ўтишимиз керакки, республика меҳмонхона хўжалигида кўрсатилаётган хизматлар жаҳон андозалари даражасидан анча пастлиги, инфратузилма яхши ривожланмаган вилоятларда меҳмонхонанинг тўлдирилиш коэффициенти ва пастлиги ва замонавий телекоммуникация воситалари билан таъминланмаганлиги, оптимал менежмент ва бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича чора тадбирларнинг етишмаслиги бу соҳани ривожлантиришда муаммоларнинг етарли эканлигини кўришимиз мумкин. Бунинг учун чет эл меҳмонхона бизнеси тажрибаларини ўрганиш ва республикамизга хорижий инвестицияларни жалб

¹ www.wtfc.org – Бутунжаҳон туризми ва саёҳатлар бўйича кенгаш.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

³ www.wtfc.org – Бутунжаҳон туризми ва саёҳатлар бўйича кенгаш.

⁴ Каримов Н.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги bosқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий ақудлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2012 й. 20 январ.

қилиш бўйича чора тадбирларини жадаллаштириш зарур. Юқорида келтирилган муаммоларни ечишда илмий асосланган тақлифлар ва амалий тавсиялар бериш мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётда рўй бераётган туб ўзгаришлар модернизациялаш, глобаллашув ва интеграциялашни жараёнларининг тезлашиши, халқаро рақобатнинг кучайиши, технологиялардаги узлуксиз ва муҳим сифат ўзгаришларининг юз бериши ва истеъмолчилар талабларининг таркибий ўзгаришлари ҳар бир хўжалик юритувчи субъектдан рақобатбардош махсулот яратиш, ишлаб чиқариш жараёнидаги харажатларни кескин камайтириш ва бошқарувда оптимал қарор қабул қилишни талаб қилмоқда. Бугунги кунда, нафақат кишилар ҳаётининг маиший жиҳатлари, балки sanoat тармоқларининг ривожланиши, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги олдиндан мавжуд бўлган ҳамда янгидан пайдо бўлаётган ўнлаб турдаги хизматларга боғлиқ бўлиб бормоқда⁵.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси фаолиятини самарали ташкил этишда моделлаштириш муҳим роль ўйнайди. Иқтисодий жараёнлар ва ҳолатларни математик моделлаштириш иқтисодий таҳлилнинг муҳим омилларида ҳисобланади. Меҳмонхона хўжалиги иқтисодий моделларини тузиш назарий ва амалий муаммолари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида бизнес-жараёнларини моделлаштириш бўйича АҚШ, Европа ва Россияда бир қатор қўлланмалар чоп этилган бўлиб, Hammer M., Champy J⁶ меҳмонхона хўжалиги бошқарув тизимининг устун томонлари, бизнес-жараёнлар таснифи, инжиниринг, реинжиниринг ва корпорацияларнинг бизнес-жараёнлари ҳамда тамойиллари дастлабки манба ҳисобланади. Шунингдек, россиялик Ойхман Е.Г., Попов Э.В.,⁷ томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида бизнес-жараёнларини моделлаштириш, тизимли бошқариш ва реинжиниринг масалаларига эътибор қаратилган. Туризм соҳасида, хусусан, меҳмонхона хўжалигида бошқарувни такомиллаштириш, иқтисодий таҳлил, ҳисоб ва назорат масалалари Агамирова Е.В., Балалова Е.И., Балашова Е., Биржаков М.Б., Богалдин-Малых В.В., Евланов Л.Г., Жуков А.А., Загорин Н.Д., Кабушкин Н.И., Каурова О.В., Куркина К.А., Филипповский Е.Е., Сорокина А.В., Савицкая Г.В., Чудновский А.Д. ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Туризм ва меҳмонхона хўжалиги соҳасини моделлаштириш бўйича МДХ олимларидан: Цэцгээ Б⁸, Вакулич В⁹, кабилар ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Улар илмий ишларида асосан маълум бир туристик жойнинг рекреацион ҳудудларини моделлаштириш ва туризм

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққийи ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа – Тошкент: Иқтисодиёт, 2010. – 331 бет.

⁶ Hammer M., Champy J. Reengineering the Corporation: A Manifesto for Business Revolution NY Harper-Sollins 1997., Harrington G. Business-Process., Improvement NY Crow.

⁷ Ойхман Е.Г., Попов Э.В. Реинжиниринг бизнеса. - М.: Финансы и статистика, 1997. – 240 с.

⁸ Цэцгээ Б. «Моделирование раз вития туризма в Монголии». Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация: 08.00.13.- Москва, 2006 - 274 с.

⁹ Вакулич В. Моделирование как средство обучения в профессиональной подготовке менеджеров туризма: Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 13.00.08 : Сходня, 2003– 239 с. РФБ ОД. 61:04-13/47.

соҳаси учун кадрлар ва менежерлар тайёрлашда ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда моделлаштириш усулларидан фойдаланишган. Каурова О.В.¹⁰ илмий ишида эса, меҳмонхона хўжалиги харажатларини бошқаришда моделлаштириш усуллари қўлланилиши тақлифи берилган.

Ситченко Л.Ю.¹¹ Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози таъсирида меҳмонхона комплексларида хусусий мулк бошқарувидаги ислохотлар ва ижтимоий меҳнат замонавий моделининг шаклланиш тақлифлари илгари сурилган. Кличева Е.В.¹²нинг диссертация ишида меҳмонхона хўжалигини бюджетлаштиришнинг назорат қилиш модели тақлиф қилинган. Самойлова Е.А.¹³нинг илмий ишида меҳмонхона хўжалиги ташкилий иқтисодий жараёллариини ўрганишнинг статистик ва график таҳлили ҳамда иқтисодий математик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Шунингдек, Саидов А.Ф.,¹⁴ Тураев Б.Х.,¹⁵ Норчаев А.А.,¹⁶ Хамидов О.Х.,¹⁷ Рузиев С.С.,¹⁸ Раҳмонова Н.Р.¹⁹ каби ўзбек олимларининг илмий ишлари Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантириш, такомиллаштириш муаммоларига ва туризм индустриясини ривожлантириш назарияси ва амалиёти масалаларига бағишланган.

Рузиев С.С. илмий ишида Ўзбекистонда маданий туризм бозорини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган ва моделлаштиришнинг коореляцион-регрессия усулларидан фойдаланилган. Раҳмонова Н.Р. диссертациясида Ўзбекистонда туризм бозори маркетинг стратегияларини таҳлил қилишда прогнозлаштириш ва ахборот маркетинг усулларидан фойдаланилган. Республикамизда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида мавжуд туристик ресурслардан унумли фойдаланиш, меҳмонхоналар менежменти, ходимлар малакаси ва жаҳон андозалари даражасидаги хизматларни ташкиллаштириш, уларнинг самарали фаолият юритишларини иқтисодий-математик усуллар ва эконометрик моделлар асосида таҳлил қилишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Бироқ, МДХ ва республикамизда юқоридаги муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

¹⁰ Каурова О.В. Моделирование управления затратами в гостиничном бизнесе: Иқтисод фақлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси.

¹¹ Ситченко Л.Ю. Управление развитием гостиничного комплекса на основе сбалансированной системы показателей эффективности: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси.

¹² Кличева Е.В. Бюджетирование как инструмент оперативного контроллинга в гостиничном бизнесе. Управление конкурентоспособностью предприятий сферы гостиничного хозяйства. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси: Москва, 2009.– 150 с.

¹³ Самойлова Е.А. Управление конкурентоспособностью предприятий сферы гостиничного хозяйства. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси: Москва, 2010.– 135 с.

¹⁴ Саидов А.Ф. Организационно-экономический механизм управления туризмом: Докт. дис-я.-Т.,1995.–252 с.

¹⁵ Тураев Б.Х. Совершенствование системы менеджмента в туристской деятельности. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси. – Самарканд, 2005.–140 с.

¹⁶ Норчаев А.А. Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси: –Т., 2004.– 135 б.

¹⁷ Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристских услуг Узбекистана. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси. – Самарканд, 2006.– 145 с.

¹⁸ Рузиев С.С. Узбекистон маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси. –Т., 2009.– 145 б.

¹⁹ Раҳмонова Н.Р. Особенности формирования стратегии маркетинга на рынке туристических услуг и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси. – Т., 2010.–128 б.

Диссертация ишнинг илмий янгилigi ва мазкур муаммоларнинг ечими ишнинг мақсади ва вазифалари доирасини белгилаб берди.

Иқтисодийтни модернизациялаш шароитида иқтисодийёт тармоқлари ривож ва моделлаштиришнинг услубий моделлари ва хизмат кўрсатиш соҳасининг услубий асослари, эконометрик моделлари ва усуллари Абдурахимов А., Абдуғафаров А., Беркинов Б.Б., Ходиев Б.Ю., Салимов Б.Т., Ғоибназаров Б.К., Алимов Р.Х., Ғуломов С.С., Шодиев Т.Ш., Пардаев М., Улашев М., Алимов Қ.А., Ўрмонов Н.Т., Абдуллаев Ё.А ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Аммо, меҳмонхона хўжалигида бошқарув жараёнларининг назарий ва услубий асослари, уларга таъсир килувчи омилларни баҳолаш, бошқарув жараёнларини моделлаштириш таклифи юқорида зикр этилган олимларнинг илмий изланишларида етарлича ёритиб берилмаган.

Диссертация ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши мавзуси Тошкент давлат иқтисодийёт университетининг «ФМ-7 Иқтисодийётни модернизация килиш шароитида туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: иқтисодийётни модернизациялаш шароитида республикамизда меҳмонхона хўжалиги бошқарув жараёнларининг назарий-услубий асосларини ўрганиш, меҳмонхоналарнинг бошқарув жараёнларини моделлаштириш ва истиқболларини прогнозлаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотининг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари: ушбу мақсадни амалга ошириш учун диссертацияда куйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- республикамиз меҳмонхона хўжалигида бошқарув услубларининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
- меҳмонхона хўжалиги бошқарув жараёнларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва самарадорлигини баҳолаш;
- бошқарув жараёнларида комплекс вазифаларни аниқлаш ва қарорлар қабул қилишнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш;
- меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш бўйича эконометрик моделлар комплексини ишлаб чиқиш;
- меҳмонхона хизматларини такомиллаштириш йўналишларини таклиф қилиш;
- “Dedeman Silk Road Tashkent” меҳмонхонаси молиявий-иқтисодий фаолиятининг эконометрик таҳлили асосида истиқболларини белгилаб бериш.

Тадқиқот объекти ва предмети: «Ўзбектуризм» МК ва Тошкент шаҳридаги “Dedeman Silk Road Tashkent” меҳмонхонаси тадқиқот объекти, меҳмонхона хўжалигини бошқариш жараёнлари ва меҳмонхона фаолиятини юритишнинг иқтисодий механизмлари тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнларида тизимли, киёсий таҳлил ва эконометрик таҳлил, иқтисодий моделлаштириш, прогнозлаш ва молиявий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Республикамизда меҳмонхона хўжалиги бошқарув жараёнларини назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш, эконометрик моделларини тузиш ва истиқболларини прогностлаш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар меҳмонхона хўжалигини муқобил бошқарув қарорларини қабул қилиш ва иқтисодий дастурларни такомиллаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- меҳмонхона хўжалиги фаолиятини замонавий шаклда ташкил этиш ва уни самарали бошқариш тамойиллари ва усуллари;
- меҳмонхона хўжалиги фаолиятининг асосий молиявий-иқтисодий фаолиятини эконометрик моделлар асосида таҳлил қилиш усуллари;
- меҳмонхона хизматлари самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш ва хизматларига бўлган талаб даражасини башоратлаш;
- меҳмонхоналарни бошқариш жараёнларида қарорлар қабул қилиш ва хизматларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг эконометрик усуллари.

Илмий янгилиги. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республикамизда меҳмонхона хўжаликлари ривожланиши ва уларнинг бошқарув жараёнларини эконометрик моделлаштириш, истиқболларини башоратлаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертация натижаларининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- республикамизда меҳмонхона хўжаликларини бошқаришни оптималлаштиришнинг назарий ва услубий асослари тавсия қилинган;
- меҳмонхона бошқарув харажатларини қамайтириш ва миқдорларга сифатли хизмат кўрсатишда Fidelio дастуридан фойдаланиш таклиф этилган;
- республикамизда меҳмонхона хизматларига бўлган истиқболдаги талаб даражаси эконометрик моделлар асосида тадқиқ этилган;
- меҳмонхона хўжалигида бошқарув қарорлари самарадорлигини эконометрик моделларни қўллаш асосида баҳолаш услублари тавсия қилинган;
- “Dedeman Silk Road Tashkent” меҳмонхонасида бошқарув жараёнларини эконометрик моделлар асосида баҳолаш услублари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот давомида олинган натижалар, умумий хулосалар ва тавсиялар республика меҳмонхона бизнеси соҳасида фойдаланилиши мумкин. Диссертацияда таклиф этилган математик моделлар ва дастурий воситалар меҳмонхона хўжалиги бошқарув усуллари ҳар томонлама асослаб бериш ва улардан ушбу тармоқда фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. Диссертация ишнинг асосий ғоялари ва материаллари кўрсатилган муаммоларни ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларда, шунингдек, тадқиқотнинг илмий назарий ва амалий натижалари иқтисодиёт ва туризм хизматлари йўналишидаги олий таълим муассасаларида «Меҳмонхона ва ресторан хўжалиги менежменти», «Сервисда технологик жараёнлар», «Сервис тизими фаолияти асослари», «Меҳмонхона жараёнлари ва қурилмалари» каби фанларни ўқитишда илмий манба сифатида қўлланилиши мумкин.

Натижаларнинг жорий килиниши. Диссертация ишнинг асосий натижалари, хулоса ва таклифлари “TURK TURIZM” МЧЖ қошидаги меҳмонхона фаолиятига татбиқ этилган (№ 86, 17.01.2012) ва Ўзбектуризм МК томонидан “Dedeman Silk Road Tashkent” меҳмонхонасига татбиқ этилгани тасдиқланган (№ 01-06/950, 17.01.2012)

Ишнинг синондан ўтиши. Диссертация ишнинг асосий хулоса ва натижалари университет ва республика миқёсидаги илмий семинарлар ва конференцияларда, шунингдек, Россия ва Украина давлатларининг халқаро анжуманларида туризм ва меҳмонхона хўжалигининг ривожлантириш муаммолари ва самарадорлигини ошириш мавзулари бўйича тақдим этилган. Буларга «Современное состояние и проблемы развития объектов гостиничного бизнеса». Двадцатые международные плехановские чтения на тематику: «Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях» (Москва, 2007 г.), «Сервис ва туризмни бошқариш ва ривожлантириш муаммолари» (Самарқанд, 2007 й.), «Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни» (Тошкент, 2010 й.), Международная научно-практическая конференция. «Продвижение бренда Великий Шелковый Путь на мировой туристский рынок» (Испания, 2008 г.), «Туризм соҳасини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари» (Тошкент, 2008 й.), «Анализ и прогнозирование спроса в эффективности туристского бизнеса» (Самарқанд, 2009 г.), «Анализ альтернатив управленческого решения в сфере гостиничного хозяйства» (Ташкент, 2009 г.), «Оптимизация выбора альтернативного управленческого решения в деятельности гостиничного хозяйства» (Ташкент, 2010 г.), «Эффективность использования моделирования в процессах управления гостиничным хозяйством в условиях всемирного экономического кризиса» (Святогорск, 2010 г.) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Шунингдек, диссертация иши натижалари Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Ахборот технологиялари» ва «Сервис» кафедралари кўшма мажлисида, Ўзбекистон Миллий университетининг «Информатика ва тадбиқий дастурлаш» кафедраси илмий семинарида, шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгаш қошидаги 08.00.06 - «Эконометрика ва статистика» ихтисослиги бўйича илмий семинарда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий натижалари бўйича 6,0 босма табоқ ҳажмида, умумий сони 16 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Умумий ҳажми 156 бет бўлиб, унга 12 та жадвал, 30 та расм ва иловалар келтирилган.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсади, объекти ва предмети асослаб берилган. Илмий ишнинг янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти изоҳланган.

Диссертациянинг биринчи боби «Иқтисодиётни модернизациялаш

шароитида меҳмонхона хўжалигида бошқарувни моделлаштиришнинг назарий асослари» деб номланиб, бу бобда замонавий меҳмонхона хўжалиги фаолиятини ташкил қилишда моделлаштириш усуллари ва моҳияти, шунингдек, меҳмонхона хўжалиги ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва хизмат кўрсатиш жараёнларини бошқариш усуллари берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Меҳмонхона хўжалиги фаолиятини оптималлаштиришнинг эконометрик моделлари» деб номланган бўлиб унда меҳмонхона хўжалигида бошқарув қарорлари самарадорлигини тадқиқ этишнинг ва меҳмонхона хўжалиги фаолияти кўрсаткичларини башорат қилишнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган. Меҳмонхона хизматларининг иқтисодий самарадорлигини эконометрик баҳолаш усуллари таклиф этилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Меҳмонхона хизматлари самарадорлигини моделлар асосида ошириш йўллари» деб номланган бўлиб, унда меҳмонхона хизматларига талабнинг таҳлили ва унинг башоратлаш моделлари берилган, меҳмонхонада кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш усуллари ишлаб чиқилган, шунингдек, меҳмонхона хизматларининг иқтисодий самарадорлигини моделлар асосида ошириш йўллари тавсия қилинган.

Хулоса қисмида тадқиқотнинг умумий натижалари ва муаллиф томонидан тадқиқ қилинган илмий ва амалий тавсиялар берилган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳмонхона хўжалиги фаолиятида бошқарув жараёнларини моделлаштириш орқали самарали хизмат кўрсатишни таъминлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар мажмуи ишлаб чиқилиши тақозо этилмоқда.

Бошқарув қарорлари ва услублари самарадорлиги меҳмонхона хўжалигида менежер-раҳбар амал қиладиган таҳлилий хулосалар тўлиқлиги ва ишончлилигига боғлиқдир. Шу боисдан, ҳисобга оид маълумотлардан фойдаланиш ва таҳлилий кўрсаткичларни баҳолашда тизимли ёндашишга асосланган корхона фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш услубиётлари алоҳида ва муҳим аҳамият касб этади²⁰. Дунёдаги машҳур меҳмонхоналар фаолиятини ўрганиш жараёнида меҳмонхона хўжалигида ходимларни бошқаришни ташкил қилишнинг якуний мақсади меҳнат самарадорлиги ва унумдорлигининг юқори бўлишига эришиш ҳисобланади. Шу боисдан ҳам бошқариш бўйича чора-тадбирлар қўлланилишидан олипадиган фойда сифатида меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан изохланадиган қиймат ифодасидаги меҳмонхона хизматлар ҳажмининг ортиши ва ходимларга сарфланадиган харажатлар самарасини кўриб чиқиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640- сонли «Ўзбекистон Республикасида

²⁰ Агамирова Е.В. Управление персоналом в туризме и гостинично-ресторанном бизнесе: практикум. - М.: Издательско - торговая корпорация «Дашков и К», 2006. – С. 34-78.

2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори юртимизда туризм-экскурсия ва меҳмонхона хизматлари жадал суръатлар билан ривожланишига қатга йўл очиб берганлигини алоҳида таъкидлашимиз мумкин. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устувор вазифаси – бу, ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, иқтисодийetni модернизациялаш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини ҳамда макронқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир. Меҳмонхонага ташриф булораётганлар сон таркиби кўрсаткичи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яъни, бозор сегментларини ишбилармон кишилар, давлат хизматчилари, туристлар, турли анжуман ва мажлис қатнашчилари ташкил қилади. «Ўзбектуризм» миллий компанияси маълумотларига кўра²¹, Тошкент шаҳрида ишбилармонлик ва туристик саёҳатлар етакчи ўринни эгаллаб, охириги тўрт йил давомида 26,4 %дан 35,8 %га ўсгани кузатишмоқда. Турли анжуман ва мажлис қатнашчилари бозори ҳам барқарор бўлиб, улар йилига меҳмонхоналарда истиқомат қилувчиларнинг 10-13 % ини ташкил этмоқда. Бунга ёрқин мисол қилиб республикамиз худудига кириб келган туристлар оқимини йиллар давомида ўсиб келишини куйидаги диаграмма орқали кузатишимиз мумкин. (1-расм)




1-расм.Туристлар оқимининг 2005-2010 йиллардаги динамикаси, минг киши²²

1-расмдан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасида 2005 йилда туристлар оқими 621,7 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб 870,0 минг кишига етган. Демак, бу рақам 248,3 минг кишига, хорижий туристларнинг сони эса, 2005 йилга нисбатан 98 минг кишига кўпайган.

²¹ www.Uzbekurizm.uz

²² «Ўзбектуризм» МК ҳисоботларига асосан тайёрланган.

Юртимизда йилдан-йилга ривожланаётган инфратузилма, «Ўзбектуризм» МКнинг вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари фаолияти ва янги ниша туширилган кичик хусусий меҳмонхоналар, экологик, диний, ишбилармон ва спорт туризмнинг ривожланиш фаолияти шулар жумласидандир. Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистондаги меҳмонхоналар сони 289 тадан ошиб кетди, яъни 2004 йилга нисбатан 19,0 % га ўсган. Республикадаги умумий меҳмонхона номерлари сони 8943 тага етди. 1993 йилда республика туризмидан тушган даромад 0,113 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2009 йилга келиб 61,30 млрд. сўмни ташкил қилди. Жами туризм фаолиятдан тушган фойда 2010 йил якунларига асосан 262,58 млрд. сўмни ташкил қилди²³. Бу кўрсаткичлар республика туризмга тушадиган даромаднинг салмоғини ташкил қилувчи чет эллик сайёҳларни ташриф бузориши билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги кластер орқали ҳудудлар бўйича таҳлил қилиш мумкин (2-расм)




2-расм. Ўзбекистон ҳудудларига 2006-2010 йилларда чет эллик сайёҳатчиларнинг ташриф бузориши сони кластери, минг киши²⁴

2-расмда Ўзбекистон Республикасига 2006-2010 йиллар мобайнида ташриф бурурган чет эллик сайёҳатчилар сони келтирилган. Чет эллик сайёҳлар асосан “Буюк ипак йўли” йўналиши бўйича жойлашган шаҳарларга кўпроқ ташриф бурурадилар. Бунди диаграммадаги кўрсаткичлардан кўришимиз мумкин. Давлатимиз томонидан мазкур йўналишларни ривожлантириш ва тақомиллаштириш учун катта эътибор қаратилмоқда, аксинча, республикамизнинг Фарғона, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига туристлар оқими нисбатан паст. Бу ҳудудларда янги туристик йўналишлар яратиш ва меҳмонхона бизнесини ривожлантириш бўйича чора тадбирларни амалга ошириш вазибалари турибди. Ҳозирги кунга қадар, Ўзбектуризм МК

²³ «Ўзбектуризм» МК ҳисоботларида олинган маълумот.

²⁴ «Ўзбектуризм» МК ҳисоботларига асосан муаллиф томонидан тайёрланган.


томонидан ташкил этилган мега-инфа-тур лойиҳасида 580 та чет эллик туристик ташкилот вакилларида 627та туроператорлар юртимизга ташриф буюрди. Кейинги ёндашув, сайёҳларни туристик номавсум паллада жалб қилиш мақсадида, Тошкентнинг эски шаҳарида махсус кўчалар ташкил этиш ва бу кўчаларда халқ хунармандчилиги ва миллий урф одатларимизнинг театрлаштирилган томошаларини, миллий таомлар тайёрлаш намоишини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бешинчи январдан, то бешинчи февралгача Тошент шаҳрининг катта савдо марказларида халқ истеъмоли молларини арзон нархлардаги савдосини уюштириш орқали туристлар оқимини кўтарилишига ва бу орали меҳмонхоналарнинг тўлдирилишини таъминлаш ғояси илгари сурилмоқда. Бу лойиҳаларни амалга оширилиши кўрсатилаётган туристик хизматлар ҳажми ва экспортининг ошишига ва туризмни ривожланишига катта туртки бўлади. Қуйидаги расмда республикада туризм соҳасидан олинган даромаднинг 2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўсиш суръатлари ва 2015 йилгача бўлган прогнозини кўришимиз мумкин (3-расм).



3-расм. Туризм соҳасида хизматлар ҳажмининг 2005-2010 йиллардаги динамикаси ва 2015 йилгача прогноз қийматлари (млн.сўм)

3-расмда берилган маълумотлардан кўринадики, республикада 2005-2010 йиллар мобайнида туризм соҳасида хизматлар ҳажмининг ўсиши 2005 йилга нисбатан 67323 млн. сўмга ёки 2,7 баробарга ошган.

Қуйидаги расмда берилган маълумотлардан кўринадики, хизматлар экспортининг салмоғи 2005 йилга нисбатан 53025 миң АҚШ долларига, ёки 1,8 баробарга ошган. Ҳозирги иқтисодийetni модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида “Dedeman Silk Road Tashkent” меҳмонхонасининг даромадлар таркибини аниқлаб, айтиш мумкинки, меҳмонхона даромадларини белгилаб берувчи асосий омиллар хоналар фондининг иш билан таъминланганлиги ва меҳмонхона хизматлари нархи (хоналар нархи, овқатланиш нархи, кўшимча хизматлар нархи) ҳисобланади.



4-расм. Туризм соҳасида хизматлар экспорти ҳажмининг 2005-2010 йиллардаги динамикаси ва 2015 йилгача прогноз қийматлари (минг АҚШ доллари)

Меҳмонхона хўжалигида ўтказилган таҳлиллар кўрсатишича, республикада ҳам ҳар жиҳатдан қулайлик даражаси юқори бўлган меҳмонхоналар учун хоналар фондининг ўртача йиллик иш билан таъминланганлик кўрсаткичи охириги 15 йил ичида 61%дан 67,7%гача кўтарилди, бу эса, меҳмонхона хўжалигининг барқарорлигидан далолат беради. Оддий стандарт хонанинг бир суткалик ўртача нархи 30 АҚШ долларидан 210 АҚШ долларигача ўсди. “Luxe” тоифасидаги хонадан бир суткада олинган ўртача даромад 650 АҚШ долларига, соф даромад эса (тўланиши муқаррар бўлган тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда) тахминан 45-50 АҚШ долларини ташкил этади. Харажатларнинг асосий қисмини иш ҳақи ва у билан боғлиқ тўловлар (27-32%) ташкил этади, чунки меҳмонхона хўжалиги ўта юқори малакали, катта маош оладиган менежер ва маркетинглардан тортиб, то ёрдамчи хизматларда ишлайдиган кўп сонли малакасиз ишчилардан ташкил топади. Қуйи тоифага кирувчи хизматчи ходимлар бевосита меҳмонлар билан мулоқотда бўладилар ва талаб қилинадиган қулайлик ва шинамлилик мухитини яратувчилардир. Шундай қилиб, замонавий меҳмонхоналар иктисодий тузилмаси, хизматлардан барқарор фойда олишини кафолатлайдиган менежмент билан таъминланиши муҳимдир. Яхши йўлга қўйилмаган бошқарув меҳмонхона раҳбариятига катта иктисодий ва моддий йўқотишларга олиб келиши мумкин. 5-расм маълумотларига қараганда, мазкур меҳмонхонада 2009 йилга нисбатан 2010 йилда харажатларнинг ошганлигини кўришимиз мумкин, яъни коммунал хизматлар 0,14 мартага, умумий овқатланиш хизматлари 0,15 мартага, иш ҳақи фонди 0,18 мартага, солиқлар 0,1 мартага ўзгарганлигини кузатамиз. Бунга сабаб, меҳмонхона тўлдирилиш коэффициентиининг ўтган йилга нисбатан ошганлиги, хоналарнинг нархи ва кўрсатилаётган хизматлар сифат даражаси кўтарилганлигидан далолат беради (5-расм).



5-расм. “Dedeman Silk Road Tashkent” меҳмонхонасининг 2009-2010 йилларда харажатлар динамикаси²⁵

Диссертация ишида республикаимиз туризм тармоғида ва меҳмонхона хўжалигида кўрсатиб ўтилган қатор муаммоларни ҳал этиш ва соҳани ривожлантириш учун бошқарувнинг эконометрик моделлаштириш усулларида кенг қўламда фойдаланиш таклиф этилган.

Турли иқтисодий вазиятларни ўрганиш учун сервис фаолиятида уларнинг соддалаштирилган расмий тавсиф – иқтисодий моделлардан фойдаланилади, объектнинг фаолият юритиш хусусиятларини аниқлаш ва шу асосда бирон-бир кўрсаткичлар ўзгарган ҳолларда келажакдаги кўрсаткичларининг ўзгаришини олдиндан айтиб беришга имкон яратади. Бунда қарор қабул қилиш мақсадида назорат ва сифатли башорат олиш учун иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро алоқаларини ҳар жиҳатдан тўғри баҳолаш зарур.

Бошқарув жараёнлари улар фаолиятининг асосий жиҳатлари бўлиб, улардан таҳлилчилик маҳоратини талаб қилади. Қатор тадқиқотчи олимлар қарор қабул қилиш жараёнини батафсил ўрганиш билан шуғулланишган ва уни олти босқичга тақсимлашган.

1. Қарор қабул қилиш заруратини аниқлашда меҳмонхона менежерлари муаммоларни вужудга келтириши мумкин бўлган, зудлик билан ҳал этишни талаб қилувчи ўзгаришлар ёки фойдаланиш лозим бўлган имкониятларни ўтказиб юбормаслик мақсадида ташкилот ичидаги ва ташқаридаги вазиятни узлуксиз назорат қилади²⁶.

2. Юзага келган муаммони ёки очилган имконияларни аниқлаш ва таҳлил қилиш. Менежерлар уларнинг сабабларини аниқлайди ва бўлғуси қарор жавоб бериши лозим бўлган талабларни белгилайди.

3. Муқобил вариантларни ўрганиш. Менежерлар бир нечта қарор вариантлари ёки турли вазиятлардан чиқиш усулларини ишлаб чиқадилар.

²⁵ “Dedeman Silk Road Tashkent” меҳмонхонаси ҳисоботларига асосан муаллиф ишланмаси.

²⁶ Евланов Л.Г. Теория и практика принятия решений. - М.: Экономика, 2006.

4. Мақбул келадиган вариантни танлаш. Ҳар бир муқобил вариантнинг афзаллик ва камчиликлари кўриб чиқилгандан сўнг менежерлар энг юқори эҳтимолли истикболга эга бўлган ҳаракат қилиш усулини танлайдилар.

5. Қабул қилинган қарорни бажариш. Қарорни ижро этувчи шахслар ва у билан алоқадор шахслар ижроси диққат билан режалаштирилган ва ҳисобга олингандан сўнг менежерлар ўз қарорларини иш фаолиятига татбиқ этадилар.

6. Олинган натижаларни баҳолаш. Менежерлар танланган усул мақсадга эришишга олиб келганлиги, натижасида янги муаммо ёки вазифалар вужудга келмаганлиги сабабли, янги бошқарув қарорларини талаб қилинмаслиги учун ўз қарорлари натижаларини мунтазам кузатиб борадилар. Бу борада қарор қабул қилиш жараёнлари қуйидагилардан иборат: вазифалар мақсадини белгилаш; қарор мақсадини аниқлаш; мезонларни тақсимлаш (чекловлар, маъқул келадиган тавсиялар); муқобил вариантларни ишлаб чиқиш; муқобил вариантларни таққослаш; ҳавфни аниқлаш; рискни баҳолаш (эҳтимоллик/жиддийлик); қарор қабул қилиш. Шундай қилиб, бошқарув қарори сифати кўплаб омилларга боғлиқлигини қуйидаги расм орқали кўришимиз мумкин (6-расм).



6-расм. Бошқарув қарори сифатига таъсир этувчи омиллар²⁷

²⁷ Муаллиф ишланмаси.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бошқарув қарори сифати аввало, тўғри ифодаланган муаммога боғлиқ бўлади, ўз навбатида, у меҳмонхонанинг максади билан белгиланади. Бошқарув²⁸ қарор қабул қилишда кўпинча бир нечта муқобил вариантлар орасидан биттасини танлаш имконияти мавжуд бўлади. Муқобил вариантларни расмий таҳлил қилиш учун гуруҳ вазнлари усулини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг моҳияти микдорий белги гуруҳ вазнини аниқлаш ва белги қиймати энг ёрқин ифодаланган элементларни топишдан иборат.

Бундай схема таҳлил қилинаётган муқобил вариантларни турли томондан тавсифлайдиган бошланғич коэффициентлар ҳисоб-китобига асосланган мультипликатив кўрсаткичлар учун кўпроқ қўлланиши мумкин.

Барча муқобил вариантлар бўйича йиғма таҳлилий жадвал тузилади, унинг асосида кейинги ҳисоб-китоблар амалга оширилади²⁹.

Таҳлилий жадвал маълумотлари асосида бошланғич кўрсаткичларнинг ҳар бири учун гуруҳ вазнларини ҳисобга олган ҳолда хизматларни тақлиф этишнинг турли вариантлари учун бошланғич интеграл коэффициентлар қиймати ҳисоб-китоб қилинади.

Гуруҳ вазнларини топиш учун қуйидаги алгоритмдан фойдаланиш мумкин:

1. Бошланғич коэффициентлар ҳар бир гуруҳнинг ўртача арифметик қиймати ҳисоблаб чиқилади. 2. Бошланғич кўрсаткичлар ҳажмидан келиб чиқиб, масалан, бир рақами танлаб олинади, у навбатма-навбат барча ўртача арифметик кўрсаткичларга тақсимланади ва олинган бўлилма изланаётган гуруҳ вазнлари билан ҳисобланади.

Бошланғич коэффициентлар қуйидаги тамойил бўйича интеграл кўрсаткичга киради: интеграл кўрсаткичга ижобий таъсир этувчи кўрсаткичлар қасрнинг суратига, манфий таъсир этувчи кўрсаткичлар эса – маҳражига ёзиб қўйилади. Шундай қилиб, муқобил вариантлар интеграл кўрсаткичи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$ИК_{N_j} = \left[\prod_{i=1}^l (a_i \cdot k_{ij}) \right] \cdot \left[\prod_{i=1}^l \left(\frac{a_i}{k_{ij}} \right) \right], \quad (1)$$

бу ерда $ИК_{N_j}$ – j -муқобил вариантнинг интеграл кўрсаткичи;

a_i, a_l – мос равишда i - ва l - кўрсаткичлар гуруҳи гуруҳ вазнлари;

k_{ij}, k_{il} – j -муқобил вариант учун мос равишда i - ва l - кўрсаткичлар коэффициент қиймати.

Ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг интеграл кўрсаткич қиймати энг керакли бўлган муқобил вариант танлаб олинади. Шундай қилиб, меҳмонхонада кўриб чиқилган вариантлар орасида энг яхши бошқарув қарори қабул қилиниши мумкин.

Меҳмонхона хўжалиги соҳасида қарор қабул қилишнинг математик таъминоти қуйидаги асосий талабларни қондириши лозим:

²⁸ Т. Шодиев., А. Илҳазаров. Бизнес жараёنларини моделлаштириш. –Т.: ЎзРБУАЖ, 2006. -184 с

²⁹ Ефимов.О.П. Экономика гостиниц и ресторанов. Учеб. пособие. – М.: Новое знание, 2004. – 392 с.

-очиқлик, яъни усулларни такомиллаштириш натижасида ривожланиш қобилиятига эга бўлиш;

-кўп мақсадга йўналганлик, яъни турли вазифаларни бажариши лозим бўлган бошқарув объектлари самарадорлигини баҳолаш, таҳлил қилиш ва тадқиқ этишни, шунингдек, вужудга келадиган янги вазифаларда фойдаланиш учун зарур бўлган имкониятлар максимал даражада хилма-хиллигини таъминлаш;

-қарор қабул қилувчи шахсларнинг бошқарув қарорлари вариантларини тайёрлаш жараёнига ижодий жиҳатдан ёндашиш имкониятини таъминлаш;

-қарор қабул қилувчи шахсларнинг қарор қабул қилиш учун асосланган тавсияларни ўз вақтида ишлаб чиқиш қобилияти.

Қарор қабул қилишнинг ўзи бошқарувнинг вақт босқичларини акс эттирувчи функциялар: режалаштириш, бошқарувни ташкил қилиш ва назорат қилиш кўринишида амалга оширилади. Демак, иқтисодий таҳлил ва бошқарув фаолиятининг биринчи функцияни (бухгалтерия ҳисоби, статистика) акс эттирувчи бошқа турлари бошқарувнинг бошқа умумий ва махсус функцияларига хос бўлган бошқарув функциялари ҳисобланади. Бошқарув жараёни мазмуни бўйича истиқболли (башорат) таҳлил, тезкор таҳлил, у ёки бу давр учун фаолият натижалари бўйича жорий (ретроспектив) таҳлил ажратиб кўрсатилади. Иқтисодий таҳлилнинг бундай таснифлиниши бошқарувнинг вақт босқичлари: дастлабки бошқарув босқичи (режалаштириш функциялари), тезкор бошқарув босқичи (тезкор бошқариш функциялари), бошқарувнинг якуний босқичи (назорат функциялари) асосий функциялар мазмунига мос келади.

Амалиётда юқорида санаб ўтилган таҳлил турлари соф кўринишда камдан-кам учрайди ва бошқарув тизимининг ҳар бир поғонасида кунига уларни асослаш учун иқтисодий таҳлилнинг ҳар хил турлари қўлланадиган кўплаб қарорлар қабул қилинади. Масалан, меҳмонхона бошқарув поғоналарида ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича қарор қабул қилишнинг асоси бўлиб, хўжалик вазиятларини «синаб кўриш» ва стандарт қарорлар қўллаш характерли бўлган тезкор таҳлил хизмат қилади.

Бошқарув поғоналари ортиши билан тезкор бошқарув улуши пасайиб, ўрнини стратегик бошқарувга бўшатиб беради. Бу бошқарув поғоналари юқори тоифаларини режалаштириш ва башорат қилиш билан боғлиқ бўлган стратегик бошқариш ҳосдир. Стратегик бошқариш вазифаларини ҳал қилиш учун қондага кўра, меҳмонхона ва тизимларида комплексли иқтисодий таҳлил усули қўлланилади. Меҳмонхоналар фаолиятининг ретроспектив таҳлилинини ўтказишда кўрсаткичларнинг аввалги ўзгаришларини баҳолаш ва шу асосда келажак ўзгаришларини башорат қилиш усуллари, шунингдек, сабабларини аниқлаш ва турли кўрсаткичларнинг натижалари ўзгаришига таъсирини баҳолаш имкони яратилади.

Биринчи вазифани ҳал этиш учун аввалги даврдаги бошланғич маълумотлар бўйича регрессия тенгламаси тузиш ва меҳмонхоналарнинг келажакдаги фаолиятини башорат қилишга имкон берадиган регрессия таҳлили

қўлланади³⁰. Регрессия тенгламаси коэффициентларини ҳисоб-китоб қилиш олдида куйидаги бошланғич маълумотларни аниқлаб олиш зарур:

- меҳмонхоналар фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими;
- ўтмишдаги белгиланган вақт оралиғи учун танлаб олинган кўрсаткичлар қиймати.

Бошланғич маълумотларни аниқлаш натижасида X_i векторлари олинади, уларнинг ҳар бири $(1, 2, \dots, N)$ вақт ораликларида i -кўрсаткичининг қийматлар тўплами ҳисобланади. Бу векторлар асосида $M \times N$ (M - танланган кўрсаткичлар сони; N - таҳлил ораликлари сони) туридаги танланган кўрсаткичлар қийматларидан тузилган A матрицаси ҳосил қилинади. Матрица тузилгандан сўнг ҳар бир жуфтлик (X_i, X_j) учун жуфт корреляция индекслари ҳисоблаб чиқилади, сўнгра унинг элементлари b_{ij} элементи жуфт корреляция коэффициентлари ҳисобланган $M \times M$ туридаги B матрица тузилади.

$$B = \begin{pmatrix} b_{11} & b_{12} & b_{13} & \dots & b_{1m} \\ b_{21} & b_{22} & b_{23} & \dots & b_{2m} \\ b_{31} & b_{32} & b_{33} & \dots & b_{3m} \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ b_{m1} & b_{m2} & b_{m3} & \dots & b_{mm} \end{pmatrix} \quad (2)$$

Ушбу матрицада $b_{ij} = b_{ji}$ ва $b_{ii} = 1$.

Жуфт корреляция коэффициентлари қиймати ҳисоб-китоб қилингандан сўнг турли X_i ўртасида алоқа зичлиги даражаси аниқланади. Энг кучли алоқага эга бўлган векторлар функционал боғлиқликка эга, шу сабабли жуфт корреляция қиймати 0,7 дан катта бўлган барча коэффициент жуфтликлари учун регрессия тенгламаси тузиш мумкин.

Регрессия таҳлилидан ташқари меҳмонхоналарда танлаб олинган кўрсаткичлар ўзгаришининг бошқа кўрсаткичлар ўзгаришига таъсири таҳлил қилинади. Бу мақсадлар учун «омилли таҳлил» усули қўлланади. Хусусан, меҳмонхоналарнинг омилли таҳлил фаолиятидан олинadиган даромадлилиқ ва унга таъсир этувчи омиллар ҳисобланган бир нечта кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни белгилаб берадиган ифода орқали амалга оширилади.

$$D = \frac{D_{jk}}{D_{jn}} = \frac{D_{jk}}{K_{xx}} \cdot \frac{K_{xx}}{M_{bx}} \cdot \frac{M_{bx}}{D_{jn}} \quad (3)$$

бу ерда: D – меҳмонхонанинг даромадлилиги;

D_{jk} – хизматлар кўрсатиш бўйича жорий даромад;

D_{jn} – хизматлар жорий нархи;

K_{xx} – кундалиқ хизматлар ҳажми;

M_{bx} – меҳмонхоналар фаолиятининг бозор капиталлашуви.

³⁰ Гагарина Л.Г., Елифанов Т.В. Основы метрологии. стандартизации и сертификации. – М.:ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. – с 96-104.

Меҳмонхоналарда хизматлар кўрсатишнинг иқтисодий-математик моделини аниқлаш учун¹¹ энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилади.

Бошланғич маълумотлар сифатида «Ўзбектуризм» МКга қарашли меҳмонхоналар комплекси томонидан тайёрланган ҳисоботларга асосан 1997 йилдан 2010 йилгача меҳмонхона фаолиятдан олинган даромад ва бошқа кўрсаткичлар асосида омиллар ўртасида алоқа зичлиги аниқланди.

Регрессия тенгласига киритилган мустақил омиллар (X_i), натижавий кўрсаткич, яъни туризмдан олинadиган даромад (Y) билан қучли алоқаларга эга экан.

Бу жадвал асосида қуйидаги кўриништа эга бўлган эконометрик модел тузилди:

$$Y = -373412,7 - 117,16 \cdot X_1 + 24,9 \cdot X_2 + 6,6 \cdot X_3 + 0,14 \cdot X_4 + 0,56 \cdot X_5 + 0,09 \cdot X_6 + 841,4 \cdot X_7$$

Эконометрик моделдан кўришиб турибдики, агар республикамызда меҳмонхоналарнинг сони биттага ортса, у ҳолда (X_1) меҳмонхона фаолиятдан олинadиган умумий даромад ўртача 117,16 млн. сўмга камайиши мумкин. Чунки, бу ҳол фаолият юритаётган меҳмонхоналарнинг тўлдирувчанлик коэффицентининг пастлиги, номерларнинг маҳаллий туристлар учун қимматлиги, хизматлар сифатининг етарли даражада эмаслиги билан асосланади. Меҳмонхоналардаги номерлар сонининг ортиши (X_2) эса, уларнинг умумий даромади ўртача 24,9 млн. сўм ортишига олиб келади. Бу асосан, пойтахтда ва инфратузилмаси етарли даражада яхши ривожланган ҳудудларда жойлашган меҳмонхоналар учун тааллуқлидир. Чунки, ушбу меҳмонхоналарда доимо номерларга бўлган талаб тақлиф этилаётган номерлардан юқори бўлади. Меҳмонхонада кўрсатиладиган асосий ва қўшимча хизматларнинг доираси каттадир. Агар меҳмонхоналардаги жойлар сони ортиб борса, (X_3) у ҳолда меҳмонхоналарнинг умумий даромади ўртача 6,6 млн. сўмга ортиши мумкин. Бунга “luxe”, “deluxe” ва “Family room” туридаги хоналар мавжуд эканлиги ҳисобига эришилади. Меҳмонхоналар тўла қабул қилиш қобилияти ортиб бориши натижасида (X_4), уларнинг умумий даромади 0,14 млн. сўмга ортиши мумкин. Бу асосан, меҳмонхона раҳбарияти томонидан оптимал менежментни таъминлаш ва самарали қарорлар қабул қилиш орқали амалга оширилади. Хорижий туристлар (X_5) сонининг бир кишига ортиб бориши ҳам меҳмонхоналарнинг умумий даромадини ўртача 0,56 млн. сўмга ортишини таъминлайди. Бу меҳмонхоналарда хорижий туристларга кўрсатилаётган хизматларнинг жаҳон андозаларига мос келиши, ҳамда кўрсатилаётган хизматларнинг юқори даражаси ва ходимлар малакасига боғлиқ бўлади. Республикамыз фуқаролари ҳам меҳмонхона хизматларидан доимий равишда фойдаланиб турадилар. Булар асосан битта стандарт хона учун 40-50 минг сўмдан ошмайdиган ва хизмат турлари чегараланган меҳмонхоналардир. Бу эса, маҳаллий аҳоли улушига тўғри келadиган (X_6) меҳмонхоналар умумий даромади ўртача 0,09 млн. сўмга ортишига олиб келиши мумкин.

¹¹Белянский В.П. Прогнозирование в индустрии гостеприимства и туризма: Учебник / Под общей ред. заслуженного деятеля науки Российской Федерации, д.э.н., проф. В.П. Белянского. – М.: Изд-во Рос. экон. акад., 2005. – с. 205-278.

Энг асосийси - бу меҳмонхоналарни тўлдириш коэффициенти бўлиб (X_7), агар ушбу коэффициент республикамиз бўйича бир фоизга ошса, у ҳолда меҳмонхоналарнинг умумий даромади ўртача 841,4 млн. сўмга ортиши мумкин.

Регрессия статистикасидан кўриниб турибдики:

Кўшиқ $R = 0,9970$,

$R^2 = 0,9940$,

Стандарт хато = 463,72.

Демак, омиллар ўртасида кучли алоқа мавжуд, республикамиздаги меҳмонхоналар фаолиятдан олинadиган даромаднинг 99,40 фоизи регрессия тенгламасига киритилган омилларга боғлиқ бўлади.

Олинган моделнинг реал жараёнга мос келишини текшириб кўриш учун Фишернинг F -мезонидан фойдаланилди:

Ҳисобланган Фишернинг F -мезони қиймати $F_{\text{ҳисоб}} = 150,91$. Фишернинг F -мезони жадвал қиймати $F_{\text{жадвал}} = 3,18$.

Демак, ҳисоб-китоб қиймати жадвал қийматидан катта ва айтиш мумкинки, олинган эконометрик модель тадқиқ этилаётган жараёнга мос келади.

Тадқиқотда эконометрик модель коэффициентлари ишончлилик даражасини аниқлаш учун Стъюдентнинг t -мезонидан фойдаланилади.

Барча омилларнинг регрессия коэффициентлари ишончли эканлигини аниқладик. Чунки, уларнинг ҳисоб-китоб қийматлари жадвал қийматидан катта эканлиги аниқланди.

Дарбин-Уотсон мезонининг ҳисоб-китоб қиймати $DW = 1,7815$.

$$DW_{\text{табл.}} = 0,56; \quad DW_{\text{юватори}} = 1,56$$

Демак, динамик қаторда автокорреляция мавжуд эмас.

Туристлик фаолиятдан олинadиган даромад ҳажмини прогноزلаш учун мустақил омиллар бўйича t вақта боғлиқ регрессия тенгламалари олинди:

t вақт омилли билан мустақил ўзгарувчилар прогнози асосида натижали кўрсаткич (Y), яъни туризмдан олинadиган даромадлар прогноزلанди. Прогноз қийматлари 1-жадвалда келтирилган. Жадвалда келтирилган сонларга қараганда, 2015 йилда меҳмонхона ҳўжалигидан олинadиган даромад 2010 йилга нисбатан 350482 млн. сўмдан 415188,3 млн. сўмгача, яъни 18,4 % ўсиши кутилмоқда. Бу биринчи навбатда, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилганлиги ва меҳмонхоналар фаолиятининг жадвал суръатларда ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида меҳмонхоналар фаолияти ривожланиб бораётганлиги, уларда замонавий коммуникация воситалари мавжудлиги, бошқарувнинг оптимал усуллари қўлланилишидир. Учинчидан, меҳмонхоналарнинг шинамлик даражаси, хизматлар тезкорлиги ва жаҳон андозаларига мослиги хизматлар сифатининг охири боришидан далолат беради. Баъоратларга кўра, 2010-2016 йилларда республикамизга ташириф буюрадиган туристлар сони 1029138,4 кишидан 1332320,0 кишигача, яъни ўсиш 303181,6 кишига етади³². Бунда республикамизга ташириф буюрадиган туристлар сони ўсиши 129,4 %ни ташкил этади.

³² Давлат статистика қўмитаси ҳисоботларига асосан муаллиф ишланмаси.

Бу асосан хорижий туристларнинг республикамиздаги «Буюк ипак йўли» маршрутида жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларнинг диққатга сазовор жойларига ташриф буюришлари туфайли рўй беради. Охириги йилларда хорижий туристларнинг Тошкентнинг тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналарига ташрифлари кўпроқ кузатилмоқда, бу юртимизда ишбилармон туризм ривожланётгани ва хорижий инвесторларнинг юртимиз билан қизиқишлари ортиб бораётганлигидан далолат беради.

1-жадвал


**Ўзбекистон Республикаси меҳмонхоналар фаолиятининг
2015 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари³³**

Йиллар	Меҳмонхона фаолиятдан олинadиган даромад (млн.сўм)	Меҳмонхоналар сони (бирликда)	Номерлар сони (бирликда)	Жойлар сони (бирликда)	Меҳмонхонанинг тула қабул қилиш қобилияти (бирликда)	Хорижий туристлардан олинган даромад (млн.сўм)	Маҳаллий туристлардан олинadиган даромад (млн.сўм)	Меҳмонхона ни тўлдириш коэффициенти
2012	351963,3	222	9405	16682	4129628	349158	485414	52,7
2013	367769,6	231	9655	17050	4184277	369775	498316	54,3
2014	383575,8	239	9905	17419	4238927	390392	511217	55,9
2015	399382,1	247	10156	17786	4293577	411009	524119	57,5
2016	415188,3	255	10406	18154	4348227	431626	537020	59,1

Туризм ва меҳмонхона соҳасига киритилadиган инвестициялар умумий ҳажми ҳам ўсиб бормоқда. Прогнозлаш ҳисоб-китоблари кўрсатишича, 2016 йилда туризм соҳасига инвестициялар умумий ҳажми 4677,596 млн. АҚШ долларини ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,4 мартага ўсишидан далолат беради.

Меҳмонхоналар фаолиятини тадқиқотлари шунини кўрсатадики, хизматлар самарадорлигини ошириш ва фойданинг ўсиши учун туристик гуруҳларни жойлаштириш иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ ва мақсадга мувофиқ. Меҳмонхонада кўп жой брон қилинади, меҳмонлар ташкиллаштирилган тарзда меҳмонхонани бўшатганидан сўнг эса янги гуруҳни қабул қилиш учун брон қилиш кафолатланади. Табиийки, кўп нарса туристлар оқимида боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, олинган натижалар шунини кўрсатадики, ходимларни самарали бошқариш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш оптимал қарорлар қабул қилиш натижасида меҳмонхона хизматлари иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради, нафақат меҳмонхонага, балки мамлакатга ҳам туристлар оқимини кўпайтириш имконини беради. Куйидаги расмда меҳмонхоналар фаолиятдан олинadиган даромаднинг ўсиш кўрсаткичларини кўришимиз мумкин (7- расм).

³³ Давлат статистика қўмитаси ҳисоботларига асосан муаллиф ишланмаси.



7-расм. 1996-2011 йилларда меҳмонхоналар фаолиятидан олинган даромад миқдори ва 2012-2015 йилларга прогноз кўрсаткичлари³⁴

7-расмдан кўришимиз мумкинки, меҳмонхоналар фаолиятидан олинган даромад 1997 йилда 151667 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилга келиб 351963,3 млн. сўмни ташкил қилди, яъни ўсиш 13,1%га тенг бўлди. Хорижий туристларга кўрсатилган хизматлар ҳажми 2009 йилда 2180,929 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2016 йилга бориб бу кўрсаткич 3154,519 млн. АҚШ долларига етиши, яъни 44,6 % га ўсиш кутилмоқда.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидаги хулоса ва тақлифлар бериш имконини яратди:

1. Тадқиқотда меҳмонхона ҳўжалигида иқтисодийetni модернизациялаш шароитида бошқарув қарорлар қабул қилиш бўйича янгича ёндашув ва бошқарувни такомиллаштириш йўллари тақлиф этилди. Ўзбекистонда меҳмонхона ҳўжалигини ривожлантиришнинг назарий асослари белгилаб берилган.

2. Меҳмонхона ҳўжалиги бошқа ҳар қандай ўзига хос фаолият тури каби, бошқарувга объектив эҳтиёж сезади. Бу эса, бошқарув соҳаси ходимларни хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга, хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва мақбул келадиган фойдалилик даражасини таъминлаш учун мақсадли йўналтирилишни ифодалайди. Хизмат кўрсатиш соҳасида бошқариш ҳисоб, таҳлил, режалаштириш ва башорат қилиш, қарор қабул қилиш ва ижро

³⁴ «Ўзбектуризм» МК ҳисоботларига асосан муаллиф томонидан тайёрланган.

этиш фаолиятида бўлган ходимларнинг якка тартибдаги ва жамоавий меҳнатини рағбатлантириш функциялари эканлиги аниқлаб берилган.

3. Замонавий меҳмонхона мажмуаси хилма-хил кўшимча хизматлар тақлиф этади, бу хизматларнинг асосий мазмуни туристни коммунал-маиший таъминотлардан озод қилиш, сервис хизматлари сифатини ошириш ва меҳмоннинг таърифини мазмунли ўтказишдан иборатдир. Натижада бошқарув қарорлар методологияси ва бошқарув мақсадларини шакллантириш, қарорлар усули ва баҳолаш мезонлари вариантларини танлаш, оптимал бошқарув қарорларни ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар асослаб берилган.

4. Диссертация ишида меҳмонхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил муддатини қисқартириш, фаолият натижаларига омиллар таъсирини тўлароқ камраб олиш, аниқ ҳисоб-китоблар ўтказиш самарадорлигини оширишнинг замонавий йўналишларидан бири эканлиги аниқланган.

5. Меҳмонхоналар ретроспектив таҳлили ўтказилишида фаолият кўрсаткичлари ўзгаришларини баҳолаш асосида уларнинг келажақдаги ўзгаришларини башорат қилиш имконини берадиган усуллар, шунингдек, ўзгаришлар сабабларини аниқлаш ва ўзгаришларнинг натижавий кўрсаткичларга таъсири аниқланган ва бошқа кўрсаткичлар ўзгаришига боғлиқлиги асослаб берилган.

6. Регрессия усулларида фойдаланиб, меҳмонхона фаолияти айрим кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқ меҳмонхоналар фаолиятига таъсир этувчи омиллар ҳисобланган бир қатор кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни белгилаб берувчи кўрсаткичлар асосида ўтказилган. Меҳмонхона хўжалиги фаолиятининг асосий кўрсаткичлари 2016 йилгача бўлган даврга эконометрик моделлар асосида башорат қилинган.

7. "Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонаси даромадлар таркиби таҳлили кўрсатишича, меҳмонхона даромадларини белгилаб берувчи асосий омиллар номерлар фондининг иш билан таъминланганлиги ва меҳмонхона хизматлари нархи (хоналар нархи, овқатланиш нархи, кўшимча хизматлар нархи) ҳисобланади. Ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, республикамызда ҳам ҳар жиҳатдан қулайлик даражасига эга бўлган меҳмонхоналар учун номерлар фондининг ўртача йиллик иш билан таъминланганлик кўрсаткичи охириги 15 йил ичида 61%дан 67,7%гача юксалди, бу эса, меҳмонхона хўжалиги фаолияти барқарорлигидан далолат беради. Ишда меҳмонхона хизматларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда эконометрик усуллари қўллаш катта самара бериши асослаб берилган.

8. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида меҳмонхоналар фаолиятидан олинadиган даромад 1997 йилда 151667 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилга келиб 351963,3 млн. сўмни ташкил қилди, яъни ўсиш 13,1%га тенг бўлди. Хорижий туристларга кўрсатилган хизматлар ҳажми 2009 йилда 2180,929 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2016 йилга бориб бу кўрсаткич 3154,519 млн. АҚШ долларига етиши, яъни ўсиш 44,6 % га тенг бўлиши кутилмоқда.

9. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида республикамызда фаолият юритаётган кўпгина юқори даражали меҳмонхоналарга туристларнинг

ташрифи сони кескин кискарган. Диссертацияда республикага ташириб буюраётган хорижий ва махаллий туристларни меҳмонхоналарга оптимал жойлаштириш мезони таклиф этилган. Ушбу мезонни қўллаш меҳмонхоналарнинг бир-бирини қўллаб-қўвватлаш ва мустақкам ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини ҳал этишга имкон яратади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Абидова Д.И. Формирование сильного класса собственников – неперенное условие функционирования и развития рыночной экономики // Десятнадцатые международные пехановские чтения. Часть II. – М.: 2006.– С.344-345
2. Абидова Д.И. Современное состояние и проблемы развития объектов гостиничного бизнеса // Двадцатые международные пехановские чтения на тематику: «Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях». – Москва, 2007, – С. 171-172.
3. Абидова Д.И. Развитие малых частных гостиниц в Узбекистане // «Фан техника тараққийида олимпиадаларнинг ўрни» Рес. илм. амал. анж. матер. – Т: ТДИУ, 2006.– С. 140-142.
4. Абидова Д.И. Почему высокоприбыльная индустрия не приносит ожидаемый доход? // Журнал налогоплательщика. – Ташкент, 2006.–№ 4(20). – С. 35-36.
5. Абидова Д.И., Мажидова И. Замонавий туризмни ривожлантиришда чет эл инвестицияларининг аҳамияти // Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқ. илм. амал. анж. матер.– Самарқанд, 2007.– Б. 241-245.
6. Абидова Д.И. Социально-экономические преобразования залог устойчивого развития туризма в Узбекистане // Международная научно-практическая конференция. Продвижение бренда Великий Шелковый Путь на мировой туристский рынок. – Т., 2008. С. 90-92.
7. Абидова Д.И., Рахматуллаев У. Основы моделирования стилей управления гостиничным бизнесом // Туризм соҳасини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари. Халқаро илмий-амалий анжуман. – Т.:ТДИУ, 2008.– Б. 29-31.
8. Абидова Д.И., Мажидова И.Г. Анализ и прогнозирование спроса в эффективности туристского бизнеса // Халқаро илмий-амалий анжуман.– Самарқанд, 2009.– С. 234-237.
9. Абидова Д.И. Оптимизация выбора альтернативного управленческого решения в деятельности гостиничного хозяйства // Иқтисодиёт ва таълим –Т.: ТДИУ. 2009, 5-сон.– С. 45-49.
10. Абидова Д.И. Анализ альтернатив управленческого решения в сфере гостиничного хозяйства // Журнал налогоплательщика. Ташкент, 2010.–№ 1 – С. 33-37.

11. Абидова Д.И. Эффективность использования моделирования в процессах управления гостиничным хозяйством в условиях всемирного экономического кризиса // VIII-международная научно-практическая конференция профессорского состава. – г. Святогорск, 24-26 сентября 2010 г. – С. 128-132.

12. Абидова Д.И., Аралова А. Меҳмонхона ҳўжалигида бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш усуллари // Сб. науч. тр. Вып. № 2 Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, НК «Узбектуризм»– Т., 2010. - С. 208-210.

13. Туризм как локомотив экономического развития республики в условиях финансово-экономического кризиса // Сб. науч. тр. Вып. № 2 Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, НК «Узбектуризм»– Т., 2010. - С. 45-47.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Абидова Дилфуза Игамбердиевнанинг 08.00.06.-«Эконометрика ва статистика» ихтисослиги бўйича «Мехмонхона хўжалиги бошқарув жараёнларини моделлаштириш» (“Dedeman Silk Road Tashkent” мехмонхонаси мисолида) мавзусидаги номзодлик диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: мехмонхона хўжалиги, моделлаштириш, бошқарув, эконометрик моделлаштириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш, башоратлаш, самарадорлик, талаб, хизмат кўрсатиш андозалари, баҳолаш услублари.

Тадқиқот объекти: “Dedeman Silk Road Tashkent” мехмонхонаси фаолияти ташланган.

Ишнинг мақсади: республикамизда мехмонхона хўжалиги фаолиятида бошқарув қарорларини моделлаштиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари: иқтисодий моделлаштириш, математик моделлаштириш, башоратлаш, корреляция ва регрессия усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: республикамизда мехмонхона хўжалиги фаолияти ривожланиши ва шаклланиш омиллари, бошқаришда қарор қабул қилишнинг оптимал вариантларини танлаш ва ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш бўйича илмий услубий таклифлар яратилганлигидир, мехмонхоналарда бошқарув қарорлари муқобил вариантларини танлаш мезонлари таҳлил қилиниб, бошқарув қарорлари қабул қилишнинг иқтисодий-математик модели таклиф этилган; республикамизда мехмонхона хизматларига бўлган талаб ва таклиф башорати эконометрик моделлар асосида ҳисоблаб чиқилган; мехмонхона хўжалигида бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш услублари иқтисодий математик моделлар асосида ишлаб чиқилган; ишлаб чиқилган мехмонхона хизматлари самарадорлигини баҳолаш услублари халқаро ҳамдўстлик мехмонхоналарида фойдаланиш учун таклиф этилган.

Амалий аҳамияти: асосий натижалар ва хулосалар Тошкентдаги «Dedeman Silk Road» мехмонхонаси амалиётга жорий этилган. Шунингдек, айрим илмий ғоя ва тавсиялардан иқтисодиёт ва туризм хизматлари йўналишидаги олий таълим муассасаларида «Мехмонхона хўжалиги менежменти», «Мехмондўстлик индустрияси» фанларини ўқитишда қўлланилади.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Диссертация ишининг асосий натижалари, хулоса ва таклифлари “TURKTURIZM” МЧЖ қошидаги мехмонхона фаолиятига татбиқ этилган (№86,17.01.2012) ва Ўзбектуризм МК томонидан “Dedeman Silk Road Tashkent” мехмонхонаси фаолиятига татбиқ этилгани тасдиқланган (№01-06/950,17.01.2012). Шунингдек, тадқиқотнинг айрим натижалари Тошкент давлат иқтисодиёт университетидаги ўқув жараёнида қўллаш учун қабул қилинган.

Қўлланиш соҳаси: мехмонхоналар хўжалигини бошқарув фаолияти, шунингдек, олий таълим муассасалари ўқув жараёнларида.

РЕЗЮМЕ

диссертации Абидовой Дилфузы Игамбердиевны на тему: «**Моделирование процессов управления в сфере гостиничного хозяйства** (на примере гостиницы “Dedeman Silk Road Tashkent”)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.06 - Эконометрика и статистика

Ключевые слова: гостиничное хозяйство, моделирование, управление, организация, эконометрическое моделирование, принятие управленческих решений, прогнозирование, эффективность, спрос, стандарты обслуживания, методы оценки.

Объекты исследования: выбрана деятельность гостиницы “Dedeman Silk Road Tashkent”.

Цель работы: разработка научно-методических основ и практических рекомендаций, направленных на совершенствование процессов моделирования управленческих решений в деятельности гостиничного хозяйства республики.

Методы исследования: экономическое моделирование, математическое моделирование, прогнозирование, методы корреляции и регрессии.

Полученные результаты и их новизна: результаты, общие заключения и рекомендации, полученные в ходе исследования, могут быть использованы в сфере гостиничного хозяйства республики, разработаны теоретические и методические основы оптимального управления гостиничным хозяйством республики; на основе математических моделей выработаны методы эффективного управления и качественного обслуживания туристов в гостиничном хозяйстве; представлены экономико-математические модели принятия управленческих решений, а также осуществлен анализ выбора оптимальных вариантов принятия управленческих решений; с помощью эконометрических моделей разработаны спрос и прогнозирование гостиничных услуг в республике; на основе математических моделей разработаны методы оценки эффективности управленческих решений в гостиничном хозяйстве; созданные методы оценки эффективности гостиничных услуг представлены для использования в гостиницах международного сотрудничества.

Практическая значимость: основные результаты и выводы данного исследования могут послужить методу управления в гостинице “Dedeman Silk Road Tashkent”. Отдельные научные идеи и рекомендации могут быть использованы в преподавании дисциплин: «Менеджмент гостиничного хозяйства», «Индустрия гостеприимства».

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные результаты, выводы и предложения уже внедрены в сферу услуг гостиницы при ООО “TURKTURIZM”(№86,17.01.2012) и “Dedeman Silk Road Tashkent” (№01-06/950,17.01.2012) утвержденная НК Узбекиризм. Наряду с этим, отдельные исследовательские результаты были внедрены в учебный процесс.

Область применения: в управлении гостиничным хозяйством, а также в учебном процессе вузов.

RESUME

Thesis of Abidova Dilfuza Igamberdievna on the scientific degree competition of the doctor economic sciences on specialty 08.00.06.-"Econometric and statistics" subject **"Modeling processes and management in sphere hotel economy (for example hotel "Dedeman Silk Road Tashkent")**

Key words: Hotel house keeping, modeling, management and style of management, organization, econometric modeling, tating managerial decisions has been chosen, forecasting, demand, supply, serving, methods of evaluating.

Subject of research: Activity of hotel "Dedeman Silk Road" Tashkent.

Purpose of work: Elaboration of scientific methodological bases and practical recommendations directed to development processes of the management.

Methods of research: economic-modeling, mathematica-modeling, forecasting, correlation methods and regression.

The results obtained and their novelty: Results, general conclusions and recommendations got in the process of research can be used in hotel business sphere in the Republic of Uzbekistan. Theoretical and methodical bases of optimal management of hotel beesinees have been worked out in the republic; on the base of mathematic models methods. Of effective management and gualifical tourist servise in hotel keeping. have been worked out; economic-mathematic models of maning management decisions, and analysis of choosling optimal variants making management decisions have been presented; demand and forecasting of hotel service in republic counted with help of econometric models have been worked out; on the base of mathematic methods of evaluating efficiency of management decisions in hotel economy; haue been worked created methods of evaluation of hotel servise efficeacy are representrd. For using in hotels of international cooperation

Practical value: basic results and conclusions can serve the methods of management in Hotel "Dedeman Silk Road Tashkent" particular scientific ideas and proposals have been used in teaching the "Management of hotel economy", "Hospitality industry" disciplines in economic and tourism services institutions.

Degree of embed and economic effectivity: Basic results, conclusions and proposals have been implemented in the service under OShC "Turktourism" (№86,17.01.2012), "Dedeman Silk Road Tashkent" (№01-06/950,17.01.2012) consimred bu NK Uzbektourism. Besides, some research results have been introduced to academic process.

Field of application: in hotel keeping management and academic process of Higher institutions education.

Қўғоз бичими	1,2 б.т.
Босишга рухсат этилди	28.04.2012 й.
Тиражи	100 нусха
Буюртма №	494

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» нусха кўчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй

